FARG’ONA VILOYATI SO’X TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 16 - dekabr 229-11-159-Q/22 So‘x tumani hokimligi

Сўх тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати Қоидалари” талабларига асосан Сўх тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Сўх туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. 4Н-914 Сўх к Янгиариқ к умумий фойдаланувдаги автомобил йулининг Янгиариқ кучасининг кириш қисмига 3.27 тухташ тақиқланади йул

белгиси урнатишга рухсат этилсин.

3. Сўх туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Қ.Раҳимбердиев ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Ҳ.Мирзоега туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарор “Садои Сўх” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳоким ўринбосари С.Мурзоевнинг зиммасига юклатинсин.

Tuman hokimi **С.Сайидмусаев**

So‘x tuman hokimining
2022 yil 16 dekabrdagi
229-11-159-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили

РЎЙХАТИ

№	Йўл белгиси ўрнатилган манзил номи	Йўл белгисини номи
1.	Янгиариқ МФЙ	Тўхташ тақиқланади